

ЎЗБЕК ИСТОН БУНУОДКОРИ



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

ЎЗБЕК ИСТОН ВА КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан видеоанжуман шаклида учрашув ўтказди.

Ушбу саммитни ўтказиш тўғрисидаги келишув давлат раҳбарларининг ўтган йил октябр ойидаги мулоқотлари давомида эришилган эди.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик ришталарини ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари ўрин олди.

Давлат раҳбарлари тадбирни очиб, бир-бирларини самимий кутлар эканлар, ушбу саммит кириб келган янги йилда иккала томон учун ҳам биринчи учрашув эканини қайд этдилар. Бу икки томонлама ҳамкорликда жуда юксак даражага эришилганидан яна бир бор далолат беради.

Таъкидланганидек, кўп қиррали Ўзбекистон-Корея муносабатлари, пандемияга қарамасдан, изчил ривожланишда давом этди. Ўтган йили давлат раҳбарлари телефон орқали икки марта мулоқот қилдилар ҳамда Шимолий-иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида биргаликда иштирок этдилар.

Мураккаб шaroитларда йирик инвестиция ва савдо лойиҳаларининг амалга оширилиши таъминланди, янги кооперация объектлари ишга туширилди. Жанубий корейлик шерикларнинг кўмаги ва иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган, минтақамиз учун ноёб бўлган замонавий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти корейс томони янги коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги халқаро сый-ҳаракатларга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак баҳолади ҳамда ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш, унга чалинганларни самарали даволаш ва реабилитация қилишда мамлакатимизга курсатилган катта амалий кўмак учун миннатдорчилик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар борасида сўз юритар эканлар, алоҳида стратегик шерикликни янада мустақамлаш ва ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Мунтазам сийёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ва парламентлараро алмашувларни фаоллаштириш, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган икки томонлама тадбирлар дастурини тайёрлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий, касб-хунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ҳудудларида Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича қўшма марказлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбек ва корейс тилларини ўқитишни кенгайтиришга, шунингдек, корейс диаспорасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ва идоралари даражасида йўлга қўйилган самарали ишлар қайд этилди. Президентлар инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу мулоқотларни давом эттириш топширигини бердилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда жанубий корейлик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 400 миллион долларга инвестицияларни ўзлаштириш кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, юқори технология соҳаларида, шу жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, инфра-

тузилмани модернизация қилиш, транспорт ва логистика, туризм ва қўллаб-қўллаш тармоқларида қиймати жами 3,4 миллиард доллардан зиёд бўлган 55 та янги лойиҳа тайёрланмоқда.

Икки томонлама устувор дастурларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан самарали шериклик олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш муҳим эканини таъкидладилар. Кейинги йилларда товар айирбошлашда рекорд кўрсаткичларга эришилди. Экспорт-импорт амалиётлари ўртасидаги ноумтаносликни текислаш ва уларнинг номенклатурасини диверсификация қилиш масалаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш учун фитосанитария хизматларининг ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда томонлар эркин савдо тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолаш бўйича музокараларни бошлайдилар.

Президент Мун Чже Ин Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласига ҳар томонлама кўмаклашишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит чоғида глобал ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Томонлар БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида, шунингдек, юқори технологиялар, "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги дастурларни илгари суриш мақсадида "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида қўшма ҳамкорликни давом эттирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги сый-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлашни таъкидладилар. Томонларнинг минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш бўйича ташаббуслари юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари экология соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди. Президент Мун Чже Ин Президент Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Корея Республикасига ташриф билан келиш тўғрисидаги таклифини тасдиқлади.

Саммит якунида "Туртинчи саноат инқилоби"га кўмаклашиш мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум, EDCF билан ҳамкорлик бўйича уч йилга мўлжалланган 1 миллиард долларлик дастурни амалга ошириш бўйича битим, замонавий кўп тармоқли клиника ва лойиҳавий институт – Кимёвий технологиялар марказини қуриш лойиҳалари бўйича заём битимлари имзоланди.

Бундан ташқари, етакчи компаниялар даражасида мамлакатимиз энергетика инфратузилмасининг муҳим объектларини модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Давлат раҳбарлари ҳар доимгидек очик, самимий, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган саммит якунларидан мамнун эканликларини қайд этдилар.

Томонлар онлайн-музокаралар ўз вақтида ўтказилгани ва натижадорлиги жиҳатидан юзма-юз учрашувлар амалиётини қўллаб-қўллашнинг таъкидладилар.

Президентлар дўстлик ва кенг қўламли шериклик алоқаларини мустақамлаш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Ў.А.

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР юртимизга янги қиёфа бағишламоқда



2-бет

Қурилиш вазирлигида

Мурожаатлар кўриб чиқилди

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш кўлами ортди ва бу жараёнда фуқаролар томонидан қўллаб-саволлар ҳам пайдо бўлмоқда.



Қурилиш вазири ўринбосари Қозим Тўлаганов шахсий қабул ташкил қилиб, бир гуруҳ юртдошларимизнинг мурожаатларини тинглади. Қабул давомида яқиндан ҳамкорликни давом эттирадиган тааллуқли бўлгани учун уларнинг ечимига қаратилган кўрсатмалар берилди.

Маълумотларга назар солиб, Қурилиш вазирлигига фуқаролардан 2019 йилда жами 1 095 та, 2020 йилда эса 2 105 та мурожаатлар келиб тушган. Шундан, вазирлик раҳбариятининг шахсий ва сыйёб қабуллари давомида оғзаки мурожаатлар 165 тани, ёзма мурожаатлар 341 тани ва электрон мурожаатлар 1 599 тани ташкил этган.

Номзодлар суҳбатдан ўтишди

Қурилиш вазирлигида Тошкент шаҳридаги туман қурилиш бўлиmlари бошлиғи лавозимларига номзодлар билан суҳбат ташкил этилди.

Унда вазирлик марказий аппарати ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан архитекторлар ўз фаолияти давомида қатъий рияозлиқ билан бўлган ҳуқуқий-меъёрлар ҳақидаги қўллаб-саволларга жавоб беришди. Шунингдек, номзодлар яқинда ишга тушган "Шаффоф қурилиш" электрон тизими орқали шаҳарсозлик фаолиятини ташкил

этишдаги муҳим жиҳатлар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, пойтахтимиз туманларининг қурилиш бўлиmlларидаги мавжуд 11 та бошлиқ лавозимларига 20 нафардан ортиқ номзодлар кўриб чиқилди.

Вазирлик Матбуот хизмати.

Ҳар бир ҳодим масъулиятни ҳис этиб ишлаши керак

Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим ва етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Наманган вилоятида ўтган йили 4 триллион 491,8 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бу 2019 йилга нисбатан 13,6 фоиз кўпдир.

Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳисобига янги-янги ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар, турар-жойлар, йўл ва кўприклар фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, олдинда кўп вазифалар турибдики, уларни ундаш учун янада кўпроқ куч-ғайратни ишга солиш талаб этилади.

Куни кеча вилоят қурилиш бош бошқармасида, тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳақида фикр юритилди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг ўринбосари Эркин Искандаров очиб, дастлаб ташкилий масала кўриб чиқилди. Э. Искандаров Вазирлар Маҳкамасининг Дилшод Ниязовни Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисидаги қарорини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг вазир ўринбосари мамлакат миқёсида қурилиш комплекси олдига турган муҳим вазифаларга тўхталди. Шаҳар ва қишлоқлар

ободончилигини янада кучайтириш, уларнинг меъморлиги қиёфасини кўрамаштириш, ҳар бир объектда сифат ва самарадорликни таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун лойиҳачи ва меъморлардан тортиб пудратчи ҳамда назорат инспекцияси, экспертиза ходимларига – барча масъулиятни ҳис этиб ишлаши керак. Кадрлар малакасини ошириш, илғор технологиялар ва замонавий материаллардан кенг фойдаланиш, коррупцияга йўл қўймайлик, шаффофликни таъминлаш муҳимлиги ўқитилди. Бундан Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари дастурий-амал бўлиши даркор.

Йиғилишда Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Саидахмад Султанов, вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Ниязов, Наманган шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи Илҳомжон Исомиддинов ва бошқалар ҳам кун тартибидagi масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

Шу куннинг гаплари

Наманган вилоятининг Косонсой туманида йилига **400 минг** тонна цемент ишлаб чиқариш заводи қурилиши мўлжалланмоқда. Жорий йилда туман иқтисодиётининг асосий ўсиши эса қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига бўлади.

Давлат дастурига кўра, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 50 га яқин аҳоли яшаш

пунктида **115,9 км** электр тармоқлари ҳамда 24 дона трансформатор пунктини модернизация қилиш ва янгидан қуриш режалаштирилмоқда.

Сурхондарё вилоятида маданият ва санъат соҳасидаги давлат-хусусий шерикчиликда **27 та** объект тадбиркорларга берилди. Улар соҳадаги фаолият турларини сақлаган ҳолда мулкдан фойдаланишади.

Пойтахт вилоятининг Охангарон туманида "PaK-merit bleaching clay" МЧЖ томонидан активлаштирилган оқартувчи гил ишлаб чиқаришга мўлжалланган, лойиҳа қиймати **7,52 млн** долларлик завод қурилиши рижалаштирилди. У ишга тушса, йилига 10 минг тонна маҳсулот тайёрланади, унинг 80 фоизи четга экспорт қилинади.

Бухорода янги ланишларга изчил киришилди

2-бет

ВМ ХК «BIZNES MANUFATURA»
ПРОИЗВОДИТ
МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ ПРОФИЛИ ДЛЯ ГИПСОКАРТОНА
ИЗ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ

ПОТОЛОЧНЫЕ – ПН 60x27x0,6 мм
НАПРАВЛЯЮЩИЕ – ПН 28x27x0,6 мм, 50x40x0,6 мм, 75x40x0,6 мм, 100x40x0,6 мм
СТЕНОВЫЕ – ПС 50x50x0,6 мм, 75x50x0,6 мм, 100x50x0,6 мм

- Толщина металла – 0,45, 0,5, 0,6 мм
- Длина изделий – от 1 до 9 метров

Ф/О – ПЕРЕЧИСЛЕНИЕ

Тел.: 90-981-65-85
97-464-81-10

Адрес: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. Дивандор, 71. (на территории завода RUSON).

Товар сертифицирован.

Муносабат

Ривожланиш ва тараққиёт йўлидан

Ҳаёт МИРЗОЕВ,
Самарқанд вилояти қурилиш
бош бошқармаси бошлигининг
биринчи ўринбосари –
вилоят бош архитектори.

**Бир-икки кун олдин
ижтимоий тармоқларда Дубай
шаҳрининг бундан 30 йил
илгариги ҳолати тасвирланган
суратлар пайдо бўлди. Ярми
обод, ярми қум барханлари-ю,
океанлар ювиб турган
кўримсиз соҳил бўйлари
оддийгина манзара касб
этганидан ҳайрон қолдим.**

У шу қадар қисқа вақтда Осиёда эмас, дунёнинг энг кўркам, энг маҳобатли гўшасига айланганини билганимдан сўнг ҳайратим янада ортди. Мана, мўъжиза, мана инсон ақлидроки, куч-қудратининг нималарга қодир эканининг ёрқин намунаси. Қолаверса, меъмор муҳандислар, қўли гул бинокорларнинг беқиёс хизмати, саъй-ҳаракати уйғунлиги нашидаси! Тан бермасликнинг иложи йўқ, тўғрими?!

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўқиб, ниҳоятда тўлқинландим. Мамлакатимизни янада ривожлантириш, иқтисодийни мустақамлашга қаратилган, айниқса, қурилиш соҳасидаги режа ва лойиҳалар нақадар улкан. Унда республикамизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини авж олдириш, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини камайтириш, ҳаммага манзур пишиқ-пухта иморатлар бунёд этишга қаратилган тадбирлар кўлами эътиборга моликдир.

Демак, биз ҳам ғайрат-шижоат кўрсатиб, юртбошимиз белгилаб берган изчил ғоялар устида ишласак, тез орада оламшумул ютуқларга эришимиз мумкин. Кейинги пайтда вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар мисолида буни яққол сезса бўлади.

Айни пайтда 2022 йилда Самарқанд шаҳрида ўтиши режалаштирилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитига тайёргарлик муносабати билан ҳукуматнинг 2019 йил 17 майдаги «Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга ошири-

ладиган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида»ги 415-сонли қарори асосида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик юмушлари изчил давом эттирилмоқда.

Ўзига хос очиқ китоб шаклини мужассамлаштирган, соатига бир йўла 1200 йўловчига хизмат қиладиган халқаро аэропортни барпо қилиш ниҳоясига етказилади. Янги терминал учинчи йўлаги жаҳон андозаларига тамоман мос тушмоқда. Ҳозир асфальт-бетон қопламаси ётқизибли, замонавий ёритиш сигнал чироқлари билан жиҳозланган. Эшак эшиш канали атрофида қад ростлаётган мухташам бинолар юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга катта қўлайлик яратиш билан бирга, аҳоли дам олиши ва фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз. Буюк аллома, ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал-Бухорий меъморий ёдгорлигини тубдан қайта тазмирлашга киришилгани ҳам зиёрат туризмни юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳарнинг Қорасув массивида тикланиши кутилаётган 25 қаватли турар жой бинолари

Бухорода
янги ланишларга
изчил киришилди

Зухриддин АҲАДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

**Давлатимиз раҳбарининг
жорий йил 21-22 январь
кунлари Бухорога қилган
ташрифи вилоятнинг
ижтимоий-иқтисодий ҳаётида
туб бурилиш ва янги ланишлар
даврини бошлаб берди.**

Ташриф доирасида бўлиб ўтган Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида жойлардаги муаммо ва имкониятларни маҳалла даражасида ўрганиш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Шу мақсадда вилоятдаги 544 та маҳалла ўрганилиб, 333 таси "қоникарли", 182 таси "ўрта" ва 29 таси "паст" ривожланиш тоифаларига ажратилди.

"Энди жамиятимизда бошқача йўналиш бўлади – маҳалла катта кучга айланади. Агар маҳалла раиси билимли, фидойи бўлса, кайфият ҳам, иқтисодий ҳам ўзгаради" дея таъкидлади. давлатимиз раҳбари. Шунингдек, Президентимиз ишсизлик муаммосига алоҳида тўхталиб, янги иш ўринлари очиб ва ўз-ўзини банд қилувчиларга шариоат яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Оилавий тадбиркорлик, ёшлар бизнес лойиҳаларига 390 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди. Ҳар бир туманда биттадан касб-хунар мактаби танлаб олиниб, унинг базасида мономарказлар ташкил этилади, маҳаллабўй ўрганиш натижаси ўлароқ ишсизлар, ёшлар ва аёллар талаб юқори касбларга ўргатилади.

Юртбошимизнинг кўрсатмалари бўйича ишлар қандай ташкил этилаётгани билан қизиқиб, Олот туманидаги 11-мактабда бўлдик.

Маълумот ўрнида айтиш керак, мазкур таълим муассасаси 340 ўринли бўлиб, 220 ўринли 1-ўқув биноси 1964 йилда, 120 ўринга мўлжалланган 2-ўқув биноси эса 2009 йилда қурилган. Айни пайтда бу ерда 290 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабнинг эски мослаштирилган биноси замона-

вий талабларга жавоб бермайди, моддий-техник таъминотида ҳам анчагина кемтикликлар мавжуд. Айни шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, таълим муассасасида таълим-тарбия сифатини яхшилаш бўйича тез орада амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Мактабнинг эски ўқув биноси ўрнига замонавий сани барпо этиш, мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, ўқув хоналарини талаб даражасида таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш, бино атрофини ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Президентимизнинг ташрифи доирасида мазкур тумандаги "Арабхона" МФЙда истиқомат қиладиган Қаҳрамон Яхшиев хонадонига ҳам бўлган. Айни пайтда вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи шу хонадонга келиб, бу жойда яшовчиларнинг моддий аҳолини ўрганиб чиқиши ва маҳалла ҳамда тижорат банки мутасаддилари хайрихолигида оила учун иссиқхона қуриб беришга қарор қилди. Шу куннинг ўзида хонадонда иш бошланди. Бўш ва қаровсиз ётган томорқа ери ҳашарчилар ёрдамида тартибга келтирилиб, ҳовли атрофи ободонлаштирилди, ички йўл шағаллаштирилди. Қолаверса, имтиёз асосида бир бош қорамол ва 50 та товۇқ берилган рўзгор бутлигини таъминлайдиган бўлди.

Мазкур хонадонда бўлган вилоят ҳокими Ботир Зарипов бундай ўрганишлар бошқа маҳалларда изчил давом эттирилишини таъкидлади.

– Туман марказидаги 6 та кўча-ни ўз тасарруфига олган маҳалла-мизда 13 та кўп қаватли уй, 482 та яқка тартибдаги ҳовлида 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – деди "Арабхона" МФЙ раиси Нуриддин Қуллӣев. – Юртбошимизнинг Бухорога қилган ташрифи вилоятнинг биргина Олот туманида эмас, балки вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилиш, улкан ўзгаришлар ва янги ланишлар даврини бошлаб берди.

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР
юртимизга янги қиёфа
бағишламоқда

Райҳона ХҲЖАЕВА.

Бугун ҳар қадамда қурилишга гувоҳ бўламиз. Замонавий уй ва мактаблар, мактабга таълим ташкилотлари, шина спорт комплекслари ҳамда барча қўлайликка эга поликлинкка бинолари...

Буллар энг аввало, юртдошларимиз фаровонлиги ва ватанимизнинг янги қиёфасини яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизда бир қанча қурилиш компаниялари замонавий ва шинам уйлар қуриш билан шуғулланишяпти. Улардан бири – "Zamin Qurilish" компанияси бўлиб, Ўтқир Зокиров раҳбарлигида тажрибали қурувчилар 2017 йилнинг сентябридан бошлаб катта қурилиш компанияси сифатида фаолият кўрсатади.

"Zamin Qurilish" авваллари қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда уларга техник хизмат кўрсатиш, қурилиш техникалари ва материалларини етказиб бериш билан шуғулланган. Ўз лойиҳаларини амалга оширишга киришган компаниянинг илк йирик лойиҳалари – Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларида қурилган кўп қаватли турар жой мажмуаларидир.



Мазкур компания асосан турар жой биноларини қуриш билан шуғулланади. Айни пайтда қурувчилар жамоаси Чилонзор ва Учтепа туманларида учта йирик лойиҳани амалга ошириш билан банд. Булар – "Фарҳод" (12-мавзе Учтепа), "Гранд парк" (17-мавзе Чилонзор) ва "Шоҳона" турар жой мажмуаларидир. Улардан икитасида асосий ишлар бажариб бўлинган. "Шоҳона" турар жой мажмуасида ҳам қурилиш ишлари авжида.

Ушбу кўп қаватли мажмуалар юқори сифат ва замонавий дизайнга эриштирилгани билан ажралиб туради. Бу борада компания жамоасининг кўп қаватли уй-жойларни қуришда янги технологияларни ўзлаштириш ва энг замонавий қурилиш материаллари билан танишишдан тўхтамаслик шiori қўл келмоқда.

Учала мажмуа ҳам энг замонавий дизайнга лойиҳалаштирилган. Уйлар таркибига яшил майдон, болалар майдончаси, спорт майдончалари, велосипед йўлаги, дам олиш ва пидедалар йўлақлари, ёпиқ ҳудуддаги махсус автотураргоҳ ҳамда ер ости автотураргоҳларнинг мавжудлиги мажмуалар рейтингини янада кўтаради.

"Гранд парк" – турар жой мажмуасининг умумий майдони 1,5 гектардан иборат бўлиб, 7 қаватли бино қурилиши шу йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилади. "Фарҳод" турар жой мажмуаси эса 9 қаватли, қурилиш ишлари шу йилнинг иккинчи чорагида тугалланиши мўлжалланган. Мажмуанинг умумий майдони 0,7 гектар ҳудудни эгаллаб, 234 та квартираддан ташкил топган. "Шоҳона" турар жой мажмуаси ҳам 9 қаватдан иборат бўлиб, қурилиши 2022 йилнинг биринчи, иккинчи чорақларида тугалланиши режалаштирилган. Умумий майдони 0,4 гектар, бино таркибида 5 та йўлак, 201 та квартира мавжуд.

Қурилишдаги иш сифати бевосита фойдаланилаётган материалларга бевосита боғлиқ. Шу маънода, жамоа "Durable beton", "Чилонзор бетон", "Бинокор", Бекобод арматура заводи каби маҳаллий корхоналарнинг бетон плиталари, арматура ва темир маҳсулотлари ва ғишларидан фойдаланяпти. Уларнинг кириш эшиклари эса хориждан келтирилмоқда. Қурилаётган уйларнинг барчасида пластик ромлар, металл кириш эшиклари, мустақил иситиш тизими ҳамда лифтлар ўрнатилиб, ер ости автотураргоҳи ҳам мавжуддир. Шу билан бирга, декоратив элементлар уйга янада салобат бахш этаётган бўлса, тунги ёриткичлар эса унга бетакрор улгурорлик бағишлайди.

– "Zamin Qurilish" компанияси қураётган турар жой мажмуасининг ёпиқ ҳудудда жойлашгани менга жуда манзур бўлди, – дейди янги уй соҳибларидан бири Фаррух Мадаминов. – Бу яқинларимиз хавфсизлиги, айниқса, фарзандларимизнинг бемалол уйнаб-қулишлари учун яхши шароитдир. Қолаверса, мажмуа майдонидagi уйингоҳлар, спорт майдончалари, кўнгилочар масканлар мароқли ҳордиқ чиқаришга хизмат қилади.

Эллиққалъада
кўприк
қурилмоқда

"Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш" лойиҳаси доирасида дастлабки ишлар 2019 йили Бўстон каналининг қурилишидан бошланган эди.

Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Лойиҳа доирасида 20 та темир-бетон йўл кўприги қурилиши режалаштирилган. Шундан Эллиққалъа туманида 5 та янги автомобиль кўприги қурилади.

Айни пайтда тумандаги "Тоза боғ" ОФЙ ҳудудида, "Бўстан-Сарабий" автомобиль йўлининг Бўстон канали билан кесилган қисмида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Кўприкнинг умумий баҳоси 4 миллион 200 миллион сўм бўлиб, унинг узунлиги 70 метрни ташкил қилади. Қурилиш ишлари "ТО'PALANG HPD HOLDING" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Намангандан дараклар

Фейсбукда – Чортоқ тумани
қурилиш бўлими саҳифаси

2020 йил якунларига бағишлаб вилоят қурилиш бош бошқармасида ўтказилган йилги Чортоқ тумани қурилиш бўлими фаолияти юқори баҳола-ниб, жамоа умумий мониторинг бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Чортоқликларнинг бошқа соҳалар қатори жамоатчилик билан алоқаларни юксалтириш, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш тажрибаси алоҳида қайд этилди. Ўтган ҳафтада бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди, яъни туман қурилиш бўлимининг "Facebook"даги саҳифаси очилиб, бугунги кунда унинг ўқувчилари сони тобора кўпаймоқда.

Бунга материалларнинг ранг-баранглиги сабаб бўлмоқда, ҳозирча бўлим фаолиятига доир қатор қизиқарли материаллар ёритилди. Уларда бўлимининг янги маъмурий биноси қурилиши, фуқаролар қабули ҳамда аҳоли мурожаатларини ўрганиш жараёнлари акс этган. Яна бир лавҳа эса бўлим ходимларининг футбол бўйича вилоят мусобақасига тайёргарлик қўра бошлаганликлари ҳақида хабар қилади.

– Келгусида саҳифамиз мазмундорлигини янада оширамиз, – дейди бўлим ходими Элбек Мамадалиев. – Бунинг учун алоҳида ижодий режа ишлаб чиқаямиз.



Тадбиркорлар ҳиссаси

Намангандаги "Mergumed Farm" МЧЖ вилоятдаги йирик фармацевтика корхоналаридан бири.

Бу ерда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар нафақат мамлакатимиз аҳолисига, балки қатор хорижий давлатларга ҳам яхши маълум. Компания ишлаб чиқаришни кенгайтира бориб, даромадининг бир қисмини шаҳар ободончилигига ҳам йўналтирмоқда.

Айни вақтда мазкур жамият

буюртмаси асосида Наманганнинг шимолий ҳалқа йўлида янги мажмуа барпо этиляпти. У олти ярим гектар майдонни эгаллайди ва замонавий меҳмонхона, гипермаркет, ресторан, бизнес маркази ҳамда 16 қаватли турар жой, замонавий клиника, бола-лар боғчаси каби объектиларни ўз ичига олади.

Мазкур йирик лойиҳанинг умумий қиймати 31 миллиард сўм бўлиб, у ишга тушса, 400 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Яна бир кичик
саноат зонаси

Косонсой туманидаги "Кушон" кичик саноат зонаси бунёд этила бошланганига кўп бўлган йўқ. Лекин уч ой оралигида бу ерда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди.

КСЗ учун 110 гектар ер майдони ажратиб берилган. Ушбу ҳудудда 176 та истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилади. Уларнинг умумий қиймати салкам 200 миллиард сўмни ташкил этади. Шунда беш мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Ҳозирча кичик саноат зонасида 106 та тадбиркорлик субъекти иш олиб бормоқда. Тез орада улар сафига яна 70 нафар ишбилармон қўшилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қалб шукуҳи

Иброҳим АНВАРОВ,
Самарқанддаги
«Florensiya-Samarkand» МЧЖ директори.

2020 йил коронавирус пандемияси одамларни изтиробга солиб қўйди, ишлаб чиқариш, қурилиш, умуман, иқтисодиётнинг барча жабҳасига салбий таъсир кўрсатди. Матонатли халқимиз Президентимизнинг оқилона сиёсати, Ўзбекистонни асраб-авайлаш йўлидаги саяё-ҳаракати туфайли халқимиз соғлом турмуш тарзига амал қилган ҳолда 2021 йилга дадил қадам қўйганлигини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Жамоамиз ўтган йилда мураккаб вазият бўлишига қарамадан тинимсиз меҳнат қилганини таъкидлаш жоиз. Биз, самарқандликлар ва юртимизга ошфат кишилар учун арзон ва сифатли, мижозлар учун маъқул шартларда, жумладан, келишув асосида, исталган ҳолда, 3 йил муддатгача, фозисиз тўлов билан кўплаб турар жойлар, маданий-маиший, савдо мажмуасини бунёд этиб, уларнинг яшаш шароитини яхшилашга, зарурий эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшганимиз. Қолаверса, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримизнинг чиройига чирой қўшиш, янада обод, кўркам бўлишига астойдил интиляганимиз.

Мендан баъзилар мудом нега фирма номига Флоренция сўзини қўшгансиз, деб сўраб туради. Очиги, ушбу номни бежизга танлаганман ва унинг замирида ўзига хос мазмун-моҳият му-

жассам. Бинобарин, Италияда жойлашган бу мўъжаз ва бежирим шаҳар дунёдаги энг гўзал кентлардан бири сифатида эътироф этилиб, очик осмон остидаги музей, дея таърифланади. Назаримда, Самарқанд ҳам шундай эъзога лойиқ ва муносибдир. Шунинг эътиборига олиб, шаҳримизни сеҳрли масканга айлантиришни олдимишга мақсад қилиб қўйиб, шундай деб атаганимни айтаман.

Бугун фахр-ифтихорга тўлиб гапиришимнинг боиси шундан. Ахир, бу йилда жонажон юртимизда нақадар улкан бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари амалга оширилганини ким эътироф этмайди, дейсиз. Муқтадирлигимизнинг 30 йиллиги нишонланганидан йил ҳам кўт-баракали, фаровонлик йили бўлиб тарихга кирсин.

Бувайданинг бугунги жамоли

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бувайда – Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг кўплаб соҳалари бўйича катта салоҳиятга эга туман. Кейинги 4-5 йил ичида бу жойда бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кўплаб ишлаб чиқариш объекти, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш баробарида халқ эҳтиёжи ва истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилларга нисбатан ошди.



Суратда: амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

Туманда қатор замонавий ва жаҳон андозларига жавоб берадиган, миллийлигини ўзида уйғунлаштирган турар жой ҳамда бошқа бинолар қурилди.

– Туманимизда ижтимоий соҳа объекти қурилишига катта эътибор қаратилмоқда, – деди қурилиш бўлими бошлиғи Баҳодиржон Мадалиев. – Кўплаб умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари, оилавий поликлиникалар, маданий-маиший объектлар инвестиция дастури асосида қайта қурилди ва жорий таъмирланди. Жумладан, туман Маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли Алимжан қишлоғидаги истироҳат боғи ҳамда мавжуд кўл “Space travel rides park” хусусий корхонаси томонидан мукамал таъмирланди, турли кўнгилочар аттракционлар ва манзарали ландшафт яратилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга 2020 йилда марказдаги Маданият маркази, стадион қайта реконструкция қилинди. Туман прокуратураси учун янги, замонавий маъмурий бино қуриб битказилди.

Туманда фаолият юритаётган “Ханифа Барака Текстиль” МЧЖ томонидан сунъий тола (полестер) ишлаб чиқариш объектида ҳам қурилиш ишлари низоҳасига етказилди. Шунингдек, 16 та ишлаб чиқариш корхоналарида фаолиятни янада кенгайтириш, замонавий дастгоҳлар билан таъминлаш мақсадида янгидан қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, қисқа вақт ичида тумanning Араб, Бувайда, Хонобод, Деҳқонобод, Қоратепа, Маслаҳат қишлоқларида аҳоли учун кўплаб намунавий ва замонавий, арзон уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, айни кунларда хусусий секторлар томонидан Қоратепа ва Беглар қишлоқларида 6 та 180 хонадонли, Бувайда қишлоғида 4 та 112 хонадонли, кўп қаватли турар жой бинолари қурилмоқда.

“Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилган Беглар қишлоғида 1 456 метр автомобиль йўл таъмирланди. Айни кунларда йўл атрофига лотоклар ўрнатилиб, йўлакчалар барпо этиляпти. Худуд шунингдек, дастурга кўра аҳоли ва автотранспортлар ҳаракати учун ноқулайлик келтириб чиқараётган эски йўлларни қайта таъмирлаб, янгилаш юзасидан 3,4 километрда ишлар якунланди.

Туман марказининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини барпо этиш борасида Янгиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги Боғи Эрам, Янгиқўрғон ва Келажак кўчалари ҳудудини кесиб ўтган автомобиль йўли кенгайтирилди. Шу муносабат билан қизил чизик минтақаси ичида жойлашган эски бино-иншоотлар бузилиб, ўрнига аҳоли учун замонавий 2 қаватли кўркам бинолар қурилди.



Тиббиёт маскани барпо этилди

Ҳилола ИСМАТОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Навоий шаҳридаги 3-сон оилавий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилгани саломатлик посбонлари ва аҳоли хурсандчилигига сабаб бўлди.

Инвестиция дастури асосида умумий қиймати 4 миллиард 53 миллион сўм маблағ сарфланган поликлиника “151-қурилиш монтаж поезди” корхонаси курувчилари томонидан қуриб битказилди. 250 қатновга мўлжалланган шифохонада таърибали шифокорлар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат амалга оширилиши кўзда тутилган. Асосийси, 3 қаватли замонавий типдаги поликлиника 302 миллион сўмлик замонавий тиббий воситалар билан жиҳозланган.

– Юқори даражадаги шарт-шароитлар, шинам, ёруғ хоналарда кўрсатилаётган тиббий хизмат бизга завқ бағишлайди, – дейди Ватан маҳалласида яшовчи Шерали Ҳайитов. – Кенг заллар, гуллар билан безатишган кириш йўлаклари, бежирим, чиройли ўриндиқлар, янги, замонавий тиббиёт жиҳозлари, шифокорларнинг ғайратини кўриб, бизда ҳам кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофиза этиш, юқори даражада хизмат кўрсатиш, муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижаси, халқ манфаати йўлидаги жонқуярликдир намунаси, деб биламан.

Бундай мамнулик ҳисси янги бинога қадам қўйган қатновчилар кўнглида акс этди. Таъкидлаш ўринлики, айни вақтда Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидаги шаҳар марказий шифохонаси, 4 та оилавий поликлиника ва 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника томонидан аҳолига муносиб тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Ёшларнинг экологик маданияти оширилмоқда

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимиз инфратузилмасини янада яхшилаш, ҳудудларда замонавий ва кўркам бинолар барпо этиш орқали шаҳару қишлоқларнинг таъмир-қурилиш ишларида замонавийлаштириш, бунинг натижасида халқимизга қатор қулайликларни яратиш борасидаги эзгу ишлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, экологик барқарорликни таъминлашда аҳолининг дахлдорлигини ошириш масалалари доимий эътиборда. Ушбу кўнникмаларни дастлаб мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида шакллантириш мақсадида янги лойиҳага қўл урилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойиҳалари Координа-



торининг идораси, Мактабгача таълим вазирлиги, “СВБ Адвисор” Ўзбекистон-Британия барқарор ривожланиш компанияси ва “Хашар Week” ижтимоий лойиҳаси билан биргаликда мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида экологик таълим-тарбияни жорий этиш дастури бошланди. Лойиҳа доирасида “Қизиқарли чиқинди” дидактик уйини

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими

Бобур БОЗОРОВ,
ТАҚИ магистри.

Камбағалликка қарши кураш давлатимизнинг иқтисодий ривожланишидаги муҳим ва устувор вазифалардан бирига айланган. Бу саяё-ҳаракатлар ёш олимлар олдига ҳам улкан масъулият юклайди. Аввало айтиш керакки, камбағаллик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

Рақамларга мурожаат қилсак, Ўзбекистонда охириги уч йилда камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1 293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2 324,5 минг сўмга ошганини кўриш мумкин. Жаҳон банкининг “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳаси доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойлари учун ўртача камбағал хонадоннинг ойлик даромади тахминан 1,5 миллион сўмни ташкил этиб, таққослама нархларда бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоизга ошган.

Мазкур муаммони ҳал қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш учун дахлдор институтлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатламни аниқлаш, уларга манзилли кўмак бериш борасида самарадорликни оширишга хизмат қилапти.

Пандемия даврида аҳолининг камбағал ва энг заиф қатламлари ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатуви муассасалар фаолиятини ислоҳ қилиш зарурати кучайди. Шу боис бу муаммоларни ҳал қилиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Моддий ёрдамни тақсимлашда керакли назорат, шаффоқлик ва манзиллиликни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар асосидаги тизимли ечимларни жорий қилиш асосида аввал етарлича манзилли бўлмаган ва самарасиз тизимдан янги тизимга ўтилмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизими бу – камбағаллик ва тенгсизликни камайтириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари фаровонлигини оши-

ришга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурлар мажмуасидан иборат давлат сиёсатидир.

“Нархларнинг сунъий равишда ошиб кетишига олиб келувчи муаммолар, камбағалликни бартафат этиш йўллари” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши жараёнида жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди. Жумладан, Фарб давлатларида ижтимоий ҳимоянинг марказлашган тизими ХХ асрнинг бошларида Германия ва Буюк Британияда ижтимоий таъминот тизимларининг яратилиши давомида, кейинроқ эса АҚШда – Буюк депрессия даврида муваффақиятга эриша бошди. Хитойда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ер ислохотларига қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Юртимизда ҳам камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашилаётимиз. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзига муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришга, давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу билан бирга, қашшоқликни зудлик билан бартафат этишнинг имкони бўлмаган шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда.

Эҳтиёж даражаси оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулк, банк ҳисоб-китоблари, олинган кредитлар, турли идораларнинг тегишли маълумотлар базаларида мавжуд бўлган авваломбилар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш йўли билан аниқланади. Ушбу ҳисоб-китобларга асосан ижтимоий ҳимоянинг ёрдамга муҳтож аҳолининг ягона маълумотлар базаси шакллантирилди.

Мазкур тизимни Сирдарё вилоятида 2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб пилот лойиҳа сифатида синаб кўрилди. Ушбу тизим фаолиятини самарали амалга ошириш учун аҳолига кўрсатилаётган ёрдам тўғрисидаги объектив маълумотлар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритиб борилиши керак. Бу вазифа хонадонларни ўрганиш жараёнида ҳам амалга оширилди. Мазкур маълумотлар асосида ва айрим оилаларнинг турмуш даражасига карантин чекловларининг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга маъсул идоралар томонидан молиявий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхати тузилди. Ушбу тизимни жорий этишдан асосий мақсад – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишдан иборат.

иборат, – деди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. – Дастур 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий мезонлар визуал тасвир ва амалий фаолият имкониятини ўзида қамраб олган.

Лойиҳа доирасида соҳа педагоглари-нинг салоҳиятини ошириш мақсадида танлаб олинган муассасаларнинг 50 нафар тарбиячилари ўқув-семинарларга жалб этилди. Тарбиячилар мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик таълим доирасида ҳулқ-атвор психологияси техникаларига оид билимларини бойитишти. “Қизиқарли чиқинди” дастурини ўқитиш услуби билан яқиндан танишиб, барқарор ривожланиш соҳасига доир кўникмаларни шакллантирди.

Шунингдек, Ўзбекистон велоспорт федерацияси кўмағида эндиликда “Болалар педасиз велосипедларда” лойиҳаси ҳам амалга оширилди. Бу эса кичикинтойлар ўртасида велоспортни оммалаштиришга хизмат қилади.

“Denov Realtor Servis” масъулияти чекланган жамияти

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдосига Сароисё тумани ҳокимлиги қошидаги ер участкаларини бериш сотиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 2021 йил 27 январдаги 3-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан Сароисё тумани ҳокимлиги захирасида бўлган Сароисё тумани, Сўфиён СИУ, Хористон массиви ҳудудида жойлашган 29қ-дала контуридаги умумий ер майдони – 14,0 гектардаги 216 туп олма боғли 3,60 гектар қўйилган. Бошланғич баҳоси – 103 976 600 сўм.

Савдо 2021 йил 1 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмаларни расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик).

Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2021 йил 1 март куни соат 10.00 гача.

Ушбу боғлар 2021 йил 1 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 1 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2021 йил 1 апрель куни соат 10.00 гача.

Савдога қўйилган боғ билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан боғларга бўлган ҳуқуқлар бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда

заказат пулини ТИФ Миллий банк Денов бўлимида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9049 5464 6001 МФО 00845 СТИР 302 191 030.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида ер участкасини узоқ мuddатли ижрага олиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Заказат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этишлари:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси –

паспорт нусхаси аукционда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– хорижий юридик шахслар – уларнинг устави билан белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– заказат пули тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 55-уй.

Телефон/факс: 76-413-16-56.
Хизматлар лицензияланган.
RR-0105-сонли лицензия.



Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.
ЎЗА.

Мақсад аниқ ва улғу бўлса, инсонга шижоат бағишлайди

қилади. Зеро, Дени Дидро таъкидлаганидек, "Мақсад бўлмаса, ҳеч нарса қилмайсан, мақсад жуда кичик бўлса, ҳеч қандай буюк ишни қила олмайсан". Ливанлик файласуф Амин Райхоний эса "Мақсадинг имкониятингдан ортиқ бўлсин, шунда бугунги ишинг кечадиган, эртаси бугунгидан яхши бўлади" деган. Зеро, Ф. Ницшеннинг «Ожиз киши ўзига мақсад, вазифа излайди, кучли киши эса уларни ўзи яратади» деган ибратли иборасини барчамиз ўқиганмиз.

Демоқчиманки, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўз ҳудудига учинчи Ренессанс даври учун шарт-шароит ярата олади, деган давъатига, аниқроғи, ғоясига ана шу нуқта назардан ёндашмоқ лозим.

Йилнинг ўтаётган шиддатли онлари – ҳар бир соҳадаги ҳаётини ислохотлар ва уларнинг ҳалқ турмушида кўзга ташланаётган самаралари, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ошиб бораётгани бу олий мақсад шуригимизга тобора чуқуროқ сингиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Албатта, катта, улғу мақсадларга эришиш осон эмас. Дарвоқе, энг осони ҳам бу йўлда машаққат чекишга тайёр туришдир. Қолаверса, эврилишлар жараёни бўйича тажрибамиз борлиги дилга таскин ва ишонч беради.

Иккала Уйғониб даврида айнан Мовароуннахрда фаолият кўрсатган ёки саёҳатга

келган адиблар, элчиларнинг асарларини ўқисангиз, уларда бир хулоса устун: бозорларда тўқинлик, кўчаларда обод ва сувлар тиниқ, одамларда қаноат, шарқона ифбат, орият, илмга интилиш кучли. Буни Абу Тоҳир Хожанин (X аср) фикри ҳам исботлаб турибди: "Агар бойлик истасанг – Ҳиндистонга бор, агар илм истасанг – Самарқандга бор".

Маҳдуми Аъзам ҳазратларининг Деҳбеддаги қабри пойида мусулмон давлатларининг турли йилларда яшаган ўн беш нафар подшоҳи кўним топган. Чунки улар ҳаёт пайтларидаёқ мабодо вафот этса, ана шу заминга, ана шу улғу инсонлар қабри пойида дафн этишларини васият қилишган.

Хўш, ўша даврдаёқ ер юзининг сайқали, деб эътироф этилган бу қадимий кентнинг оҳанрабоиси нимада эди?

Маълумотларга қараганда, вилоят ҳудудига беш мингдан ортиқ тарихий обида мавжуд. Шунинг 2 мингтаси Самарқанд шаҳрида жойлашган. Регистон майдонида йиллар давомида қурилган уч мадраса буюк ақлидрок, муҳандислик намунаси сифатида ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Мазкур мажмуа ҳозирда обида саналади, ўз вақтида эса у юксак фазилатлар, маърифат, илм маркази сифатида шуҳрат топган.

Ана шу маърифат Имом Бухорийни, Алишер Навоийни шу заминга чорлаган. Тадқиқотчи Комилхон Каттаев яқинда Оқдари

ҳудудига Ренессанслар даврида ўндан ортиқ таникли имомлар яшаб ўтганлигини аниқлади. Чоқардиза ва Шоҳи Зиндада ётган 45 минг нафардан ортиқ азиз авлиёлар хоки бизга аждодларимиз нечоғлик буюк тафаккур эгаси бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Муҳими шундаки, бу жараён йиллар силсиласида тўхтаган эмас. Гарчи аввал Чор Россияси, кейин қизил империя босқинчилиги орқали миллий қадриятлар, маърифат томирлари болта урган бўлса-да, қонимиздаги тафаккур ўлган эмас. Бастакор ва ҳофиз Ҳожи Абдулазиз, Намоз ботир ва жадидлар, Эргаш Жуманбўлбул ўғли, Фозил Йўлдош, Исломо шир азалий аъёнлар давомчиси сифатида элга танилди. Ундан кейин Самарқанд давлат университети маърифатнинг чинакам масканга айланди.

Бундай улғуворлик Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоят ва шаҳрида кўриш мумкин. Эътибор беринг, кейинги 3-4 йил ичида қанчадан-қанча қўна маърифат масканлари қайта тикланди, қанча ижод мактаблари очилди. Бу эътибор ва эътирофгина эмас, бу катта қудрат ва жасорат ҳам.

Назаримда, ана шу улғуворлик ва узилмас силсила давлатимиз раҳбарига ишонч, куч-қудрат ва жасорат бахш этди. Ана шу теран томирлар фидойи юраклардан сув ичиб, яна барг чиқара бошлади. Президент халқимизда ўз аждодларига нисбатан ҳурмат уйғотиш баробарида бу бунёдкор элни ана шу тарихий жа-

соратларни такрорлаш мумкинлигига ишонтира олади.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: биз бу улғу мақсадга қайси йўл билан эришамиз? Чунки энди давр бошқа, шароит ўзгача.

Давлатимиз раҳбарининг Парламентга учта мурожаати, умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва йил дастурлари билан танишган, уларнинг моҳиятини англаган ҳар бир киши бу саволга аниқ жавоб олади.

Ренессансининг асосий вазифаси – инсонни ҳаётнинг янги босқичига олиб чиқиш. Демак, бир мамлакатдаги муҳит бутун дунёга таъсир этмоғи лозим.

Ренессансининг асосий талаби – инсоннинг эркин яшashi, ижод қилиши учун шарт-шароит яратиши. Эзгу сўз, эзгу ҳаракатнинг қадрланиши.

Бундан давлат сиёсати ана шу мақсадга қаратилганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Уларни санаб ўтиришга ҳоajat йўқ.

Ҳаётнинг аччиқ сабоғи шундай: кимки ўзи учун аниқ, улғувор мақсад қўйиб яшаса экан, у биронинг мақсади амалга ошишига хизмат қилишга мажбур. Фахрим шукки, халқимиз асрлар давомида бу ҳақиқатни англаб яшаган. Шу сабабли тарихда дунёни ўзгартириб юборган иккита Уйғониб даврининг яловбардори айланган. Умидим ва ишончим шунки, бу бунёдкор эл учинчи жасоратга ҳам қодир. Бинобарин, оққан дарё оқаверади.

АХЛАТХОНАДА ЁТГАН БЕШИК

Холиёр САФАРОВ,
журналист.

Автобусда кетаётиб, ногоҳ Чорсу бозори ёнидаги ахлатхонада ётган бешикка кўзим тушиб қолди. Ранглари ўчмаган, оловдай! Энг қизиги, бус-бутун ҳам эди. Тагин, бир эмас, нақд учта ё тўртта!!! Бирдан вужудимга титроқ кирди. Ахир, бешик ахлатхонага отиб юбориладиган матоҳ эмас-ку! Давлатимиз раҳбари маънавиятимизни юксалтириш ҳақида жон куйдириб турган бир пайтда қадриятларга, ўзликам муносабат шунми? Бу ҳақда ҳамкасбларимга айтганимда, уларнинг бири яқинда ўз маҳалласидаги ахлатхонада ҳам бешик кўрганини надомат билан гапириб берди. Ё, тавба! Бизга нима бўляпти?

Балки эсларсиз, бешикни қадрли деб билган ота-боболаримиз, аниқроғи, момоларимиз фойдаланилмаётган бешикни унинг бир четига олиб қўйишган ёки ҳеч бўлмаса, матога ўраб, омборхонага илб қўйишган. Бешикка бўлган бундай эъзоз бугунги кунда ҳам сақланиб турибди. Чунки бешик қадрли, табаррук! Унда фарзандлари катта бўлишган – авлоди давом этган! Гарчи, ҳозир унинг болалари улғайиб, неваралари ҳам ётмаётган бўлса-да, вақт-бевақт меҳмон келса-ю, ёш боласи бўлса, улар ётишар, бўлмаса, болали унинг рамзи бўлиб уйда туради...

Бир оилага бир бешик етади. Унда ҳаётнинг давомийлиги, умрининг ширин хотиралари муҳтасам бўлади. Бешикка қараб, бешикёр болалигингиз ёдингизга тушади. Ёки шу бешикда улғайган, бугун ёнингизда савлат тўкиб ўтирган ўғил-қизларингизнинг қамолли кўз олднингиздан ўтади. Энди ўйлаб кўринг, ўзингиз катта бўлган ёки болаларингиз улғайган бешик уйингизга ортиқчилик қилади-ми? Ё жуда халал беради-ми? Ёки бешигини чиқариб ахлатхонага ташлаган кишиларнинг уйлари кенгайиб, димоғлари чоғ бўлиб, баракаси ошиб кетадими? Ё ақл ожизлик қиладиган бошқа сабаби бормикан? Нима бўлганда ҳам ҳеч бир сабаб бешикни ахлатхонага чиқариб ташлашга асос бўлмайди!

Ўз тарихига эга бўлган, бағрида миллионлаб гўдакларни вояга етказган, оналаримиз орау-ҳавас билан тебратиб, сиз-у бизни улғайтириб, шириндан-ширин аллалар айтаган бешиклар энди эскилик сарқити ёки уйимиздаги ортиқча мато бўлиб қолди-ми? асло!

Бешик қадрини неча йилдан бери тирноққа зор бўлиб, шифохона-шифохона, табибма-табиб чопиб юрган эр-хотинлардан сўранг! Бешик қадрини фарзанди туғилиб, турли сабабларга қўра яшаб кетмаётган, бундан юраклари қуйиб-ёнаётган аёлларнинг ноласидан ахтаринг! Бешик қадрини ўн-ўн икиталаб фарзанд ўстирган ва айни

дамда неваро-ю чевара, эваралари атрофида, ҳатто уларнинг исmlарини эслаб қололмай ўтирган нуруний онахонлардан сўранг!

Ўзбек учун, умуман, туркий халқлар учун бешик ана шундай эъзозлидир! У вақтида ишлатилиб, болалар катта бўлгач ёки келин олганингиздан кейин унинг онаси замонавий, пульт билан бошқариладиган, дастурланган бешиклар олиб келса, "буниси энди керак эмас", деб ахлатхонага отиб юбориладиган буюм эмас! Фойдаланмангиз, жуда ортиқчилик қилаётган бўлса, бошқага, бирор эҳтиёмандга беринг! Чунки бешикдан фойдаланишда ирим-сирим йўқ! Балки, давомийлик бор! Ҳалигача айрим аёллар "Отаси ётган бешик" деб невараларини ҳам битта бешикда катта қилишадди. Аммо ўйламангиз, отаси ётган бешикда улғайган болаларнинг бирор жойи кам бўлиб қолгани йўқ ёки пультли бешикда катта бўлаётганларнинг даҳмазасидан бошқа ортиқча жойини тополмайси? Демак, бешикда айб йўқ!

Соғинарнинг "Девону луготит турк" асарида (XI аср) ҳам маълумот бор. Манбаларда ёзилишича, XV асрга хос митти рангтаъсир асарларда ҳам бешик суратини кўриш мумкин. Бешик қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқа шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Бешик Марказий Осиё халқлари маданиятининг ажралмас қисмига айланган. У ҳаёт давомийлиги рамази ҳисобланади.

"Бешик боласи – бек бола", дейди халқимиз. Чақалоқни ҳар хил ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишда бешикка етадигани йўқ. Ҳароратни ўртача сақлайди, бола таги қуруқ ва тоза туради, хотир-жам ухлайди, умуртқа суяклари текис ўсади, чақалоқ кўлга ўрганиб қолмайди. Бешикнинг бир маромада тебраниши она аллагаси ҳамоҳан бўлиб болага руҳан ва жисмонан тинчлик бахш этади.

Болани бешикка белаш унинг соғлиғи учун зарарлими? Тиббиёт ҳодимлари "бола бешикка белангани учун унинг бош суяклари ўзга-

Михсиз ясалган қурилма – бешикнинг тузилиши ажойиб. Дунёда энг маъқул деб тан олинган гўмбазсимон қўбба шакли бешикка асос қилинган. Икки ёни очиклиги, ичи кенглиги болани белаш ва ечишга қулай. Бешик қурт тушмайдиган тўт, баъзида ўрик, ёнғоқ, эгмаси ва сумаги эса кўпинча юмшоқроқ тол ёғочидан ясалади. Моҳир усталар бешик ясашда умуман миҳдан фойдаланмаган. Бездатишда ҳиди чиқмаслигига, бўёқлар табиийлигига эътибор беришган, ёрқин ранглар ишлатишган. Чунки гўдак бешикнинг безакларига қараб, тинчланади, ранг ажратини ўрганади. Бешик ёпинчиғи, мавсумга қараб духобадан (қишқи), ипак мато ёки сурдан (кузги, баҳорги), доқадан (ёғзи) тикилган. Қовузи тариқдан, шולי, сули ё бугдой пўстлогидан тайёрландиган махсус кўрпачадир...

Яна шуни ҳам таъкидлаш кераки, ҳаёт давом этар экан, бешиксозлик санъати ҳам ўлмайди. Бешиксозлик нафақат миллий маданиятимиз гўзаллиги намунаси, балки ўзбек бешигининг тарихий-маиший аҳамиятини ҳам ифода этади. Бугунги кунда айрим қишлоқ ва шаҳарларда хунармандлар бешиксозлик билан ҳам шуғулланишади. Улар орасида Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Марғилон шаҳарларини энг муҳим бешиксозлик марказлари сифатида эътироф этиш мумкин. Тошкент шаҳри, Самарқанд вилоятининг Ўргут, Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Навоий вилоятининг Кармана туманларида бу хунар яхши ривожланган. Сурхондарёда эса бешиксозлик Бойсунда яхши тараққий этган. Хоразм вилоятида бешик Урганч, Хазорасп ва Хивада ясалади. Бешик яшаш ва бўяш бўйича ҳар бир вилоятнинг ўз услуби бор.

Бир неча асрлар оша бизга етиб келган гўзал аъёнларимиздан бири – "Бешикка белаш" маросими. Янги тутилган чақалоқни буниси ёки кекса ёшли, серфарзанд онахонлар биринчи марта бешикка беларкан, яхши ниятда бош тарафига "юзи ёруғ бўлсин", деб ойна кўяди. Сўнг «иймони бут, ризқи бутун бўлсин, инс-жинслардан қўрқмасин» деб, нон билан пичоқ, "йўллари равон, туғуниси бўлсин", деб тарақ ва «боши тошдан бўлсин», деб қайроқтош кўяди.

Модомки, шундай эзгу ниятларда бешикка беланиб, бешикда улғайиб, бугун ҳам фарзандларимизни бешикда катта қилаётган эканмиз, фойдаланилмай қолганида ёки келинларимиз орқали уйга "замонавий бешик"лар келганида эскисини ахлатхонага чиқариб ташлашдан ўзимизни тийялик! Бугун кимдир энди керак эмас деб бешикни ахлатхонага чиқариб отса, биров керак эмас деб чақалоқни ташлаб кетса... биз ким деган одам бўламиз?

Унутманг, барча кўнглисизликлар ва ёмон оқибатлар асрлар давомида шаклланиб келган, шу билан бирга, ўз ибботини кўрсатган қадриятларга ҳурматсизликдан, шу орқали ўзини ҳурмат қилмасликдан келиб чиқади!

ради", деган фикрга қўшилишимизди. Аслида эса бола суякларининг ўзгариши кальций моддаси етишмаслигидан келиб чиқади. Демак, она хомилдорлик даврида ана шу моддага бой озиқ-овқатларни кам истеъмой қилган. Болада кальций моддаси етарли бўлмаса, бешикда ётмаса ҳам суяклари нотўғри ривожланади.

"Момоларимиз ўғитлари" китобида ёзилишича, бешикни тўғри ишлатиш керак. Қаттиқ ерга эмас, юмшоқ кўрпача устига қўйса, яхши тебранади. Бола фақат ухлайдиган пайтлари унда ётиши керак.

Узоқ вақт бешикда ётқишиш ҳам тўғри эмас. Чунки бола терисига ёруғлик кам тушса, рахитга олиб келиши мумкин. Бешикка ёруғлик тушиб турсин. Гўдакни бешикда ётган ҳолида эмизмаган яхши. Агар эмишига тўғри келса, бу ишни галма-гал, икки томондан амалга оширган маъқул. Момоларимиз сумакни ишлатишдан олдин оловга тутиб, зирпачалардан тозалаб, кейин ёғга ботириб олишган. Бундай қондаларга риюя қилиш турли касалликларнинг олдини олади. Бешик ёпинчиғи табиий матодан бўлса, боланинг нафас олишига тўқсинлик қилмайди. Уни вақти-вақти билан очиб, шамоллатиб туриш керак. Бешик тагига солинган кўрпача юпка ва пахтадан бўлсин. Боғичлари ўртача боғланса, яхши.



Январь ойининг сўнги кунларида ўз таваллуд кунларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риюя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Саид Тўхтаев**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бухгалтерия бош мутахассиси **Рустамжон Наврўзов**,

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳуқуқшуноси **Маъруфжон Ҳайдаров**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Жиззах вилояти филиали мутахассиси **Сардорбек Ҳамзаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Пудрат ва лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Оразбай Шаназаров**,

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудратчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шодиёр Мардиев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қоровули **Жўрабек Собиров**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси УК бўлим бошлиғи **Умар Исаев**,

Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкиллаштириш консалтинг маркази ҳудудий бўлими бошлиғи **Маъруф Мелибоев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Сардоржон Бобоев**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Хайрулла Умаров**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм вилояти филиали бош мутахассиси – архитектор **Оллаберган Махмудов**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров,
Ботир Зарифов, Юлдаш Мағрулов,
Жамшид Исмаилов, Фойибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Баш муҳаррир
Баш муҳаррир
Уринбосари
Саҳифаловчи
Мусаҳҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Алмам Махкамов
Райхон Таниқуллова

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти бўйича: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г143. 2559 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Бахоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎЗА яқини – 23.20. Топширилди – 00.20.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-12-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudkori@umailuz

12 3 4 5 6